

БААда Қуръони каримни тартил билан ўқиш мусобақаси ўтказилади



09:45 / 07.03.2019 2454

Мусобақа ташкилотчиларининг маълум қилишларича, танлов бешта гуруҳда ўтказилади. Унда қатнашмоқчи бўлган БАА да муқим яшайдиган асли хорижлик фуқаролар эса тажвид илми ва ҳарфларнинг махражларини яхши ўзлаштирган бўлишлари шарт.

Бундан ташқари, қатнашувчиларнинг тиловатлари бирорта радио ёки ТВ каналларида қайд этилмаган бўлиши керак. Тартил билан ўқиш – бу Қуръони каримни Аллоҳ таоло нозил қилган ҳайъатда, луғавий маъноларига далолат қилган сифатда шошилмай, дона-дона қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилинган тарзда ўқиш дегани.

“Шайх Рашид ибн Муҳаммад Ал-Мақтум” номи билан ўн учинчи бор ўтказилаётган ушбу Қуръони каримни тартиб билан ўқиш миллий мусобақаси мамлакатда истиқомат қилаётган хорижий фуқаролар орасида жуда ҳам катта қизиқиш билан кузатиб борилади. Мусобақа учун рўйхатга олиш 14 мартгача давом этади. Мусобақанинг якуний босқичи 24 март куни бўлиб ўтади, деб хабар беради ал-Баён газетасининг расмий сайти.

Islom.uz